

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

\_\_\_\_\_ - сон 2020 йил \_\_\_\_\_

**Ўзбекистон Республикасини Ўзбекистон салтанатига айлантириш, Ўзбекистон салтанатининг Конституциясини қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевни Ўзбекистон салтанатининг биринчи давлат раҳбари сифатидаги умрбод Президенти этиб тасдиқлаш тўғрисида**

### **Олий Мажлис қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси – Ўзбекистон салтанатига айлантирилсин ва шу кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси – Ўзбекистон салтанати деб номлансин.
2. Конституциявий комиссия томонидан тақдим этилган Ўзбекистон салтанатининг Конституцияси, тўлиғича қабул қилинсин.
3. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон салтанатининг биринчи давлат раҳбари сифатидаги умрбод Президенти этиб тасдиқлансин.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўзбекистон Республикасини Ўзбекистон салтанатига айлантириш, Ўзбекистон салтанатининг Конституциясини қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевни Ўзбекистон салтанатининг биринчи давлат раҳбари сифатидаги умрбод Президенти этиб тасдиқлаш тўғрисидаги Баёнатининг матни тасдиқлансин.
5. Ўзбекистон салтанатининг Конституцияси Ўзбекистон салтанатининг икки палаталик Олий мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси бўлишини кўзда тутганлиги учун, улар бу Конституцияда белгиланган тартибди Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловлари ўтганидан сўнг Ўзбекистон салтанатининг Вазирлар Маҳкамаси тузилгунига қадар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги шундай органлари ўз фаолиятини давом эттириб турсин.
6. Ўзбекистон салтанатининг Конституциясига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Қорақалпоғистон вилоятига айлантирилсин.
7. Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон салтанатига айлантирилиши ва унинг Конституцияси қабул қилиниши муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси Қорақалпоғистон вилоятига айлантирилганлиги ва Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Конституцияси тўлиғича бекор қилиниши натижасида унинг 117-моддаси иккинчи қисмига киритилган ўзгартириш натижасида октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасига, яъни 2021 йилнинг 24 октябрга белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳам бекор қилинганлиги, маълумот учун қабул қилинсин.
8. Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг юқори ва қуйи палаталари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси қонуний актларини қайта кўриб чиқиш уларни Ўзбекистон салтанатининг Конституциясига мос келтириш бўйича ўз таклифларини бир ой муддатда ичида тайёрласинлар.
9. Роппа-роса бир ойдан сўнг Ўзбекистон салтанатининг биринчи давлат раҳбари сифатидаги умрбод Президентиининг инаугурацияси маросими ўтказилсин ва бу кун – Ўзбекистон салтанатининг биринчи давлат раҳбари сифатидаги умрбод Президентининг инаугурацияси кун сифатида ҳар йили нишонлансин.

**Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг раиси**

**Т.К.Нарбоева**

**Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг спикери**

**Н.М.Исмоилов**

Тошкент \_\_\_\_\_-сон,

2021 йил \_\_\_\_\_ .

## 2-лойиха

### **Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг “Ўзбекистон Республикасини Ўзбекистон салтанатига айлантириш, Ўзбекистон салтанатининг Конституциясини қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевни Ўзбекистон салтанатининг биринчи давлат раҳбари сифатидаги умрбод Президенти этиб тасдиқлаш тўғрисида”ги**

## **БАЁНОТИ**

Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигига эришган 30 йиллик давр ичида давлатни бошқаришнинг республика шакли ўзини оқлай олмаганлигидек аниқ бир фактини этиборга олиб ва бу ҳолат дунёнинг нуфузли моливий институтлари жон бошига тўғри келган номинал Ялпи ички маҳсулот бўйича тузган ва 188-189 та мамлакатни ўз ичига олган Жаҳон рейтингда 147-149 ўринларни эгаллашига олиб келганлиги, шунинг учун ҳам 2035 йилга қадар Ўзбекистон халқининг яшаш даржаси ва сифатини индустриаль ривожланган мамлакатлар қаторига қўшишга интилиб, замонавий Ўзбекистонни XIV ва XV аср Ўзбекистонлари, Амир Темури давлати ва темурийлар давлатлари; Бухоро амирлиги, Қўқон ва Ҳива хонлиқларидек салтанатлар ҳукмрон бўлган давлатларнинг давомчиси ва вориси деб ҳисоблаган ҳолда,

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ўзбекистон Республикасини Ўзбекистон салтанатига айлантириб, унинг Конституциясини қабил қилаганли ва Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевни Ўзбекистон салтанатининг давлат раҳбари сифатидаги умрбод Президенти этиб тасдиқлаганлигини тантанали равишда эълон қилади**

Ўзбекистон салтанати давлат раҳбари сифатидаги умрбод Президентининг ҳуқуқ ва бурчлари унинг ворисларига қолдирилиши билан боғлиқ қойидалар ва давлатни бошқаришнинг салтанат шакли тизимининг бошқа тамойиллари Ўзбекистон салтанатининг Конституциясида белгиланган.

Ўзбекистон салтанати Президентининг инаугурацияси маросими уни Ўзбекистон салтанати Президенти этиб тасдиқланган кундан роппа-роса бир ой ўтганидан сўнг тантанали равишда ўтказилади.

Ўзбекистон салтанати ўзининг ҳудуди ва табиий бойликларига нисбатан олий ҳуқуққа эга. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон салтанатига айлантирилган кундан эътиборан у фақат вилоятлар, шаҳарлар ва туманлардек маъмурий-ҳудудий бўлинмаларидан иборат бўлади ҳолос.

Ўзбекистон салтанатида, миллатидан қатъий назар Ўзбекистон фуқороларидин иборат халқ ҳокимиятнинг ягона манбайи ҳисобланади.

Бундан буён Ўзбекистон ҳудудида Ўзбекистон салтанатининг Конституцияси ва қонунлари мутлоқ устун эканлиги эътироф этилади.

Ўзбекистон салтанати ўзининг барча шериклари билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли битимлар ва шартномаларни олдиндан қўйилган бирон-бир шартсиз имзолаш учун очиқ эканлигини эълон қилади.

Ўзбекистон салтанати ўз ҳудудида яшаётган барча халқларга теппа-тенг сиёсий ҳуқуқ ва ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожланиш имкониятларини кафолатлайди.

Ўзбекистон салтанати ирқчилик, шовинизм, миллатчилик, инсон ҳуқуқлари ва халқларга нисбатан ҳар қандай чекловларга қаттиқ қарши туради.

Ўзбекистон салтанати умум эътироф этилган ва ратификация қилинган халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устворлигини тан олади.

**Ушбу Баёнот Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг Қўшма йиғилишида қабул қилинган**

# Ўзбекистон салтанатининг КОНСТИТУЦИЯСИ

## МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА .....	4
БИРИНЧИ БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ .....	4
I БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЛТАНАТИНИНГ ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ .....	4
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИДА ҲОКИМИЯТЧИЛИКНИНГ АСОСЛАРИ.....	4
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИДА КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУННИНГ УСТУНЛИГИ.....	5
IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИНИНГ ТАШҚИ СИЁСАТИ .....	5
ИККИНЧИ БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИДА ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ .....	6
V БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ.....	6
VI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИДА ФУҚАРОЛИК .....	6
VII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИДА ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР.....	6
VIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИДА СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР .....	7
IX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИДА ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАР .....	8
X БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ.....	8
XI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ БУРЧЛАРИ .....	8
УЧИНЧИ БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИДА ЖАМИЯТ ВА ШАХС .....	9
XII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИДА ЖАМИЯТНИНГ ИҚТИСОДИЙ НЕГИЗЛАРИ .....	9
XIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИДА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ.....	9
XIV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИДА ОИЛА .....	10
XV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ .....	10
ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.....	10
XVI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ .....	10
XVII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСИ .....	14
XVIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИНИНГ ВАЗИРЛАРЛАР МАҲКАМАСИ.....	19
XIX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ.....	20
XX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ АСОСЛАРИ .....	20
XXI БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА САЛТАНАТИДА СУД ҲОКИМИЯТИ.....	22
XXII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИДА САЙЛОВ ТИЗИМИ .....	24
XXIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ, ПРОКУРАТУРА ВА АДВАКАТУРА .....	24
XXIV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИДА МОЛИЯ ВА КРЕДИТ.....	25
XXV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИДА МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИК.....	25
БЕШИНЧИ БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ .....	25

## МУҚАДДИМА

Ўзбекистоннинг халқи:  
инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,  
ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда,  
Ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,  
демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб,  
халқаро ҳуқуқнинг ратификация қилинган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда,  
фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,  
инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб,  
фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида,  
ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистонда давлатни бошқаришнинг ўзини оқлай олмаётган республика шаклидан воз кечиб, унда давлатни бошқаришнинг салтанат шаклини жорий қилиш учун туб сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий ислохатларни назарда тутадиган Ўзбекистон салтанатининг мазкур Конституциясини қабул қилади.

## БИРИНЧИ БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАР

### I боб. Ўзбекистон салтанатида давлат суверенитети

#### 1-модда.

Ўзбекистон – давлатни бошқаришнинг конституциявий салтанат шаклига эга бўлган суверен демократик давлатдир. Давлатнинг “Ўзбекистон салтанати” ва “Ўзбекистон” деган номлари бир ҳил маънони англатади.

#### 2-модда.

Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Давлат органлари ва барча мансабдор шахслар, жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

#### 3-модда.

Ўзбекистон салтанати ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Ўзбекистон салтанатининг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

#### 4-модда.

Ўзбекистон салтанатида умумхалқ тили ва давлат тили ўзбек адабий тилидир.

Ўзбекистон салтанати ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча бошқа миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

#### 5-модда.

Ўзбекистон салтанати қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

#### 6-модда.

Ўзбекистоннинг салтанатининг пойтахти – Тошкент шаҳри.

### II боб. Ўзбекистон салтанатида ҳокимиятчиликнинг асослари

#### 7-модда.

Ўзбекистон салтанатининг халқини миллатидан қатъи назар, унинг фуқаролари ташкил этади.

#### 8-модда.

Ўзбекистон салтанатида халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир.

Ўзбекистон салтанатининг ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон салтанати Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Ўзбекистон салтанатининг Конституциясида назарда тутилмаган тартибда салтанат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва муқобил таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

**9-модда.**

Ўзбекистон салтанатида ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилиши, умумий овозга, яъни референдумга қўйилиши мумкин. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

**10-модда.**

Ўзбекистон халқи номидан фақат Ўзбекистон салтанати Президенти, у тайинлаган Сенат ва сиёсий партиялар сайлаган Қонучилик палатасидан иборат Олий Мажлисгина иш олиб бориши мумкин.

Жамиятнинг бирон-бир қисми, Сенат, Қонучилик палатаси, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас.

**11-модда.**

Ўзбекистон салтанатида давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тамойилига асосланади.

**12-модда.**

Ўзбекистон салтанатида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Давлат сиёсати фуқоралар учун муносиб ҳаётни таъминлаш мақсадида, одамларимиз ва бутун халқимизни бойитиш ғояси атрифига қўрилади.

**13-модда.**

Ўзбекистон салтанатида замонавий демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Ўзбекистон салтанатининг Конституцияси ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

**14-модда.**

Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида амалга оширади.

### **III боб. Ўзбекистон салтанатида Конституция ва қонуннинг устунлиги**

**15-модда.**

Ўзбекистонда салтанатида Ўзбекистон салтанати Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Ўзбекистон салтанатида давлат, унинг идоралари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Ўзбекистон салтанатининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқ иш кўради.

**16-модда.**

Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон салтанатининг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.

Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон салтанатининг Конституцияси нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

### **IV боб. Ўзбекистон салтанатининг ташқи сиёсати**

**17-модда.**

Ўзбекистон салтанати халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид

*Академик Р.Абдуллаевнинг «Ўзбекистонни Республикасини Ўзбекистон салтанатига айлантиришни тақлиф қиламан» деган мақоласига Иловалар қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.*

Ўзбекистон салтанати, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.

## **ИККИНЧИ БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИДА ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ**

### **V боб. Умумий қоидалар**

#### **18-модда.**

Ўзбекистон салтанатида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

#### **19-модда.**

Ўзбекистон салтанатининг фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Ўзбекистон салтанатининг Конституцияси ва қонунларида мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

#### **20-модда.**

Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

### **VI боб. Ўзбекистон салтанатида фуқаролик**

#### **21-модда.**

Ўзбекистон салтанатининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади.

Ўзбекистон салтанатининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганлигидан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир.

Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади.

#### **22-модда.**

Ўзбекистон салтанати ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

#### **23-модда.**

Ўзбекистон салтанати ҳудудидаги чет эл гражданилари, ситезенлари ва фуқароларининг ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон салтанатининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.

### **VII боб. Ўзбекистонда шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар**

#### **24-модда.**

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

#### **25-модда.**

Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

#### **26-модда.**

Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.



Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

**27-модда.**

Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

**28-модда.**

Ўзбекистон салтанатининг фуқароси салтанат ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистонга келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

**29-модда.**

Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сирини ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

**30-модда.**

Ўзбекистоннинг салтанатининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

**31-модда.**

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

## **VIII боб. Ўзбекистон салтанатида сиёсий ҳуқуқлар**

**32-модда.**

Ўзбекистон салтанатининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.

Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади.

**33-модда.**

Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон салтанатининг қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

**34-модда.**

Ўзбекистон салтанатининг фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас.

**35-модда.**

Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

## **IX боб. Ўзбекистон салтанатида иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар**

### **36-модда.**

Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли.

Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

### **37-модда.**

Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

### **38-модда.**

Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади.

### **39-модда.**

Ҳар ким қариганида, меҳнат лаёқатини йўқотганида, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлиб қолганида ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

### **40-модда.**

Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

### **41-модда.**

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мактаб ишлари давлат назоратида бўлади.

### **42-модда.**

Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

## **X боб. Ўзбекистон салтанатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари**

### **43-модда.**

Давлат фуқароларнинг Ўзбекистон салтанатининг Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

### **44-модда.**

Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

### **45-модда.**

Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

### **46-модда.**

Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар.

## **XI боб. Ўзбекистон салтанати фуқароларининг бурчлари**

### **47-модда.**

Барча фуқаролар Ўзбекистон салтанатининг Конституциясида белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар.

### **48-модда.**

Фуқаролар Ўзбекистон салтанатининг Конституцияси ва қонунларига риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

### **49-модда.**

Фуқаролар Ўзбекистон салтанати халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар.



Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

**50-модда.**

Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

**51-модда.**

Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

**52-модда.**

Ўзбекистон салтанатини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон салтанати ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИДА ЖАМИЯТ ВА ШАХС

### XII боб. Ўзбекистон салтанатида жамиятнинг иқтисодий негизлари

**53-модда.**

Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон салтанати иқтисодиётининг - макроиқтисодиётнинг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

**54-модда.**

Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

**55-модда.**

Хали сотилмаган ва хусусийлаштирилмаган ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар, давлат олтин-валюта захиралари, давлат корхоналарининг мулклари ва бойликлари, давлат бюджетининг даромад қисми, бюджет маблағлари ҳисобидан қурилган мулклар, қазиб олинган олтин ва бошқа табиий бойликлар, халқнинг мулки эмас, балки давлатнинг, яъни Ўзбекистон салтанати Президентининг мулки ва бойликларидир, улардан оқилна фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

### XIII боб. Ўзбекистон салтанатида жамоат бирлашмалари

**56-модда.**

Ўзбекистонда салтанатида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

**57-модда.**

Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, давлатнинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

**58-модда.**

Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашшига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди.

**59-модда.**

Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

**60-модда.**

Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молжавий таъминланиш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар.

**61-модда.**

Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

**62-модда.**

Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади.

#### **XIV боб. Ўзбекистон салтанатида оила**

**63-модда.**

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқчилигига асосланади.

**64-модда.**

Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

**65-модда.**

Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

**66-модда.**

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

#### **XV боб. Ўзбекистон салтанатида оммавий ахборот воситалари**

**67-модда.**

Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.

Цензурага йўл қўйилмайди.

### **ТҮРТИНЧИ БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ**

#### **XV боб. Ўзбекистоннинг салтанатининг Президенти**

**68-модда.**

Ўзбекистон салтанатининг давлат раҳбари – Ўзбекистон салтанатининг Президенти деб, унинг рафиқаси эса Биринчи хоним деб аталади. Ўзбекистоннинг салтанатининг Президенти ўзбек давлатининг йўлбошчиси, ҳокимият бирлиги ва давомийлигининг тимсоли,

Академик Р.Абдуллаевнинг «Ўзбекистонни Республикасини Ўзбекистон салтанатига айлантиришни тақлиф қиламан» деган мақоласига Иловалар давлат органларининг дойимий фаолиятига ҳакам ва уларнинг яраштирувчиси; давлатнинг халқаро муносабатлардаги олий ваъкиллигини амалга оширади ҳамда Ўзбекистон салтанатининг Конституцияси ва қонунларида белгиланган бошқа вазифаларни бажаради.

#### **69-модда.**

Ўзбекларнинг қелиб чиқиши ва уларнинг салтанатлари тарихини эътиборга олган ҳолда XIV ва XV аср Ўзбекистонларининг шарафига Ўзбекистон деб аталган, фақатгина шу мамлакатнинг титул миллати бўлмиш ўзбекларга мансуб бўлган ва давлат тилини биладиган одамгина Ўзбекистон салтанатининг умирбод Президенти бўла олади.

Ўзбекистон салтанатининг Олий Можлиси 2020 йилнинг \_\_\_\_\_ да Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевни Ўзбекистон салтанатининг биринчи ва умирбод Президенти этиб тасдиқлади. Шунинг учун ҳам бу улуг зотдан замонавий Ўзбекистон салтанатининг биринчи сулоласи бошланади.

Ўзбекистон салтанати Президентининг шахси дахлсиз ва қонун билан муҳофаза қилинади.

#### **70-модда.**

Ўзбекистон салтанатининг Президенти:

1. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон салтанатининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир.

2. Жиноий ишлар бўйича одил судловни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

3. Суд ҳукми ҳатолиги ва ноқонунийлиги тўғрисида тушган шикоятлар юзасидан, бундай шикоятлар Олий суд томонидан қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, ундаги илтимослар ва қонуний талаблар қаноатлантирилмаганидан сўнг, у шундай масалалар бўйича фуқаролар томонидан унга қилинган мурожаатлар бўйича керакли чоралар кўриш ва қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

4. Ўзбекистон салтанатининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради.

5. Музокаралар олиб боради ҳамда Ўзбекистон салтанатининг шартнома ва битимларини имзолайди, давлат томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг қабул қилинган мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди.

6. Ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ҳамда бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади.

7. Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Сенати томонидан Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари лавозимларига тақдим этилган номзодларни тайинлайди.

8. Олий Мажлис Сенати тақдимига асосан Марказий банк бошқаруви раисини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади.

9. Бир вақтнинг ўзида Бош прокурор лавозимини ҳам эгаллаб турувчи адлия вазири тақдимига кўра Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Сенати аъзосини дахлсизликдан маҳрум қилиш масаласини ҳал қилади.

10. Ўзбекистон салтанатининг Олий Мажлисига мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

11. Олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат кўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини Ўзбекистон салтанати Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан тузади ва тугатади.

12. Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Сенат раиси ва Қонунчилик палатаси спикери лавозимларига номзодларни сайлаш учун тақдим этади.

13. Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун Ўзбекистон салтанати Бош вазири номзодини тақдим этади ҳамда уни, истеъфога чиққанда, Бош вазирга нисбатан билдирилган ишончсизлик вотуми Ўзбекистон Олий Мажлисининг палаталари томонидан қабул қилинганда ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда, лавозимидан озод қилади.

14. Ўзбекистон салтанатининг Бош вазири тақдимига асосан Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди ва лавозимидан озод қилади.

15. Ўзбекистон салтанатининг Адлия вазири ҳам ҳисобланувчи Бош прокурори ва Ҳисоб палатаси раисини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади.

16. Олий Мажлисга Ўзбекистон салтанати Конституцион суди таркибига кривчи номзодларни тақдим этади.

17. Қонунга асосан Судьялар олий кенгаши аъзоларини тасдиқлайди.

18. Ўзбекистон салтанати Бош вазирининг тақдимига биноан вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва кадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли.

19. Давлат бошқаруви органларининг ва ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини улар қонун ҳужжатлари нормаларига номувофиқ бўлган ҳолларда тўхтатади ёки бекор қилади; Ўзбекистон салтанати Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилишга ҳақли;

20. Ўзбекистон салтанати қонунларини имзолайди ва эълон қилади; қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли.

21. Ўзбекистон салтанатига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси палаталарининг қўшма йиғилиши тасдиғига киритади.

22. Фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг палаталарининг қўшма йиғилиши тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади.

23. Ўзбекистон салтанати Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонлар беради.

24. Ўзбекистон салтанатининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, Ўзбекистоннинг зодагонлик, малакавий ва фахрий унвонларини беради.

25. Ўзбекистон салтанатининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади.

26. Ўзбекистон салтанатининг Президенти амнистия тўғрисида фармонлар эълон қилади ва Ўзбекистоннинг судлари томонидан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни афв этади.

27. Давлат хавфсизлик хизмати ва Тергов қўмитаси раисларини тайинлайди ва лавозимидан озод этади ҳамда уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади.

28. Фуқораларнинг Ўзбекистон салтанатининг Президент номига йўлланга оғзаки ва ёзма мурожаатларини ҳал этиш мақсадида халқ қабулхоналарини ва Интернетда фуқороларнинг виртуаль қабулхоналарини тузиш ҳуқуқига эга.

29. Ўзбекистон салтанатини иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг стратегик режалари ва дастурларини тасдиқлайди.

31. Ушбу Конституция ва Ўзбекистоннинг салтанатининг қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

### **71-модда.**

Ўзбекистон салтанатининг Президенти Ўзбекистон салтанати ҳудудидаги давлатнинг барча кўчар ва кўчмас мулкларининг, пул ва валюта маблағларининг, мамлакат олтинвалюта захираларининг, иқтисодиётнинг хусусий мулкчилик сектори ва жамоат ташкилотларига қарамайдиган давлатнинг ер фонди ва бошқа ерларнинг, унинг ер ости, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий ресурсларининг, мулкдоридир.

Ўзбекистон салтанатининг Президенти давлатнинг кўчар ва кўчмас мулкдан, шу жумладан ердан самарали фойдаланиш мақсадида, уларни сотиши ва қўшма ҳамда бошқа корхоналарнинг устав жамғармаларидаги давлат ёки ўзининг шахсий улуши сифатида жойлаштириши (кейинги ўринларда – жойлаштириш); ўз ҳошишига ва Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси тавсиясига асосан алмаштириш ва бепул бериш асносида ҳадия қилиш ҳуқуқларига эга.

Ўзбекистон салтанатининг Президенти бутун Ўзбекистон ҳудуди бўйича ўзининг кўчар ва кўчмас мулкни, шу жумладан ер майдонларини сотиш, жойлаштириш, бепул ҳадия этиш ва малум муддатга ижарага бериш йўли билан ва фуқароларга тегишли зодагонлик унвонлар бериш орқали, уларнинг хар ҳил табақаларини шакллантиради. Шу мақсадларда Ўзбекистон

Академик Р.Абдуллаевнинг «Ўзбекистонни Республикасини Ўзбекистон салтанатига айлантиришни тақлиф қиламан» деган мақоласига Илоалар салтанатининг Президенти илгари у ёки бу кўринишда давлат мулки бўлиб, бепул хусусийлаштирилган, лекин ҳар ҳил корхоналар томонидан самарасиз ишлатилаётган мулкларни национализация қилиш йўли билан ўз мулкига айлантириш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон салтанатининг Президенти томонидан шакллантирилувчи фуқоролар зодагонларининг “қатламлари” ва “унволлари” тушунчаларининг таърифлари, уларнинг моҳияти, мақсадлари ва Ўзбекистон салтанатининг Президенти томонидан берилиш тартиблари қонун билан белгиланади.

#### **72-модда.**

Ўзбекистон салтанатининг Президенти Ўзбекистон салтанати ва унинг айрим ҳудудларидаги баъзи-бир ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ўзининг айрим ҳуқуқлари ижро этилишини давлат органлари ва амалдор шахларга бериш ҳуқуқига эга.

#### **73-модда.**

Ўзбекистон салтанатининг Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан мамлакатнинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган декретлар, фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

#### **74-модда.**

Сенат ёки Қонунчилик палатаси таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд улар бир неча марта Ўзбекистон салтанати Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек Сенат билан Қонунчилик палатаси ўртасида Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда Ўзбекистон салтанатининг Президенти Ўзбекистон салтанатининг Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатаси, тарқатиб юборилиши мумкин.

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатаси тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади.

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатаси фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатиб юборилиши мумкин эмас.

#### **75-модда.**

Ўзбекистон салтанати давлат бюджетидан Ўзбекистон салтанати Президентига, ўз оиласи ва Саройи таъминотини тўлиқ амалга ошира олиши мақсадларини кўзлаб, у эркин тасарруф эта оладиган маблағ ажратилади.

Президент ўз Саройи аёнларини, ҳарбий ва бошқа давлат хизматчилари ичидан ўзи танлаб олиб ишга тайинлайди ва бўшатади.

#### **76-модда.**

1) Ўзбекистон салтанатига раҳбарлик қилиш унинг биринчи умирбод Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ворисларига меърос бўлиб қолади. Давлатга раҳбарликни меърос қилиб қолдириш туғилиш ва васийликнинг одатдаги тартибида амалга ошириладигани, бир қариндошлик тармоғи ичида, кейинги тармоқ олдинги, яқин қариндошлик тармоғига, ҳудди аёллар эркакларга, кичиклар катталарга имтиёз берганлари каби, имтиёз берадилар.

2) Меъросхўр, Президентнинг ўғли бўлса, уни (*узоҳ*: турк, татар, қирғиз ва бошқа талларда бўлгани каби) – Prins деб, қизи бўлса – Малика деб аталади ва улар туғилган кунларидан эътиборан ёки улар шундай даражага эга деб эълон қилинган кундан эътиборан, биринчи Prins ва биринчи Малика мақомига эга бўлади.

3) Агар мобоодо, Президентнинг меросхўрлари сулоласининг барча тармоқлари сўнган ҳолат пайдо бўлса, Ўзбекистон салтанатининг Олий Мажлиси меърос масаласини Ўзбекистон салтанатининг манфаатларига мос келадиган шаклда ҳал қилади.

4) Президентнинг меросхўри ҳуқуқига эга бўлган шахс, Президентнинг тақибига қарамасдан, оила курси, бундай меросхўр, унинг авлодлари билан биргаликда, салтанатга меросхўр бўлиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

5) Ўзбекистон салтанати Президентлигидан воз кечиш ва истеъфога чиқиш, шу билан бир қаторда ворислик бўйича буларга тенг бўлган ҳар қандай асосли ва ҳуқуқий шубҳалар, қонун асосида ҳал қилинади.



#### **77-модда.**

Ўзбекистон салтанати Президентининг рафиқаси ёки аёл-Президентнинг турмуш ўртоғи, Регентлик тўғрисидаги конституцион вазифаларни бажара олмайди.

#### **78-модда.**

1) Агар эркак ёки аёл бўлган Ўзбекистон салтанатининг меросхўр Президенти балоғат ёшига етмаган бўлса, Президентнинг ота ёки онаси, улар йўқ бўлган тақдирда эса, Президентнинг меъросхўрлари ўртасида балоғатга етмаган Президентдан кейинги иккинчи ўринда турадиган балоғат ёшидаги қариндоши, Ўзбекистон салтанаининг Конституцияда белгиланган тартибда, зудлик билан Регентликни ижро эта бошлайди ва бу вазифани у Президент балоғат ёшига етгунга қадар давом эттиради.

2) Агар эркак ёки аёл бўлган Президент ўз ҳокимиятини амалга оширишга лаёқатли бўлмаса ва бу лаёқатсизлик Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси томонидан тан олинган бўлса, Регентликни зудлик билан балоғат ёшига етган Бириччи Шохзода бажара бошлайди. Агар у балоғат ёшида бўлмаса, унда илгариги бандда белгиланган тартиб, меъросхўр Шохзода балоғатга етгунга қадар, амал қилади.

3) Агар меросий Регент бўлиш ҳуқуқига эга бўлган ҳеч ким бўлмаса, унда Ўзбекистон салтанатининг Олий Мажлиси икки ёки уч кишидан иборат Регентлик тузади.

4) Регентлик лавозимига киришмоқчи бўлганларнинг миллати ўзбек ва балоғат ёшида бўлиши шарт.

5) Регентлик конституцивий мандат асосида ва албатта Ўзбекистон салтанатининг эркак ёки аёл бўлган Президенти номидан амалга оширилади.

#### **79-модда.**

1) Вафот этган Президентнинг васиятномасида тайинланган, балоғат ёшидаги ўзбек миллатига мансуб одамгина балоғатга етмаган Президентнинг васийси бўлиши мумкин. Агар васиятномада васий тайинланмаган бўлса, Президентнинг васийси, унинг ёлғизликда бўлган отаси ёки онаси бўлиши мумкин. Агар бундайлар бўлмаса, васийни Ўзбекистон салтанатининг Олий Мажлиси тайинлайди. Регентлик ва васийликни фақатгина Президентнинг отаси, онаси ёки унинг тўғридан-тўғри аждоларигина қўшиб олиб боришлари мумкин.

2) Васийликни амалга оширишни ҳар-хил амал ёки сиёсий характердаги иш билан қўшган ҳолда амалга ошириш тақиқланади.

#### **80-модда.**

1) Президент ўз лавозини эгаллаши муносабати билан Ўзбекистон салтанатининг Олий Мажлиси олдида ўз вазифаларини ҳалол бажариш, Конституция ва қонунларни бажариш ҳамда уни ҳимоя қилиш, ўз фуқороларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши тўғрисида тантанали қасамёд қилади.

2) Меросхўр Шохзода ёки Малика, балоғат ёшига етгач ва Регент ёки Регентлар ўз вазифаларини ижро этишларидан аввал, Президент қасамёд қилгани кабаи, қасмамёд қиладилар.

### **XVII боб. Ўзбекистон салтанатининг Олий Мажлиси**

#### **81-модда.**

Ўзбекистон салтанатининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади ва ўз фаолиятини дойимий асосда олиб боради..

Ўзбекистон салтанатининг Олий Мажлиси икки палатадан — Сенат (юқори палата) ва Қонунчилик палатасидан (қуйи палатадан) иборат.

Ўзбекистон салтанатининг Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг ваколат муддатлари – беш йилдир.

#### **82-модда.**

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси Сенатининг, Президент тайинлаган марказ ва ҳудудларнинг ваъкили сифатидаги Сенат аъзолари:

Марказ бўйича – ўн олти кишини ташкил этувчи Сенаторлардан ва ҳар бир вилоят ҳамда Тошкент шаҳридан – олти кишидан ибрат бўлади ва уларга салтанатнинг энг юқори даражадаги зодагонлик унвонлари берилади, маъмурий ҳудудлардан бўлган Сенаторларга эса салтанатнинг тегишли равишдаги пастроқ даражадаги зодагонлик унвонлари берилади. Тегишли зодагонлик унвонлари номларининг даражалари ва уларнинг таърифлари,



Академик Р.Абдуллаевнинг «Ўзбекистонни Республикасини Ўзбекистон салтанатига айлантиришни таклиф қиламан» деган мақоласига Иловалар шунингдек улар фаолиятининг бошқа хусусиятлари ва Сенаторлар зодагонлик даражаларининг таърифлари қонун билан белгиланади.

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон салтанатининг фуқароси Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси, шунингдек Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати, бўлиши мумкин. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон салтанати Олий мажлисининг қонунчилик палатаси аъзоларининг етмиштаси бир мандатли округлардан ва яна етмиштаси сиёсий партиялар рўйхатлари бўйича сайланган бир юз қирқ депутатдан иборат бўлади.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси ва Қонунчилик палатасининг депутати бўлиши мумкин эмас.

### **83-модда.**

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг биргаликдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

1) Ўзбекистон салтанатининг Конституцияси янги матнини қабул қилиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистоннинг салтанатининг конституциявий ва бошқа қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон салтанатининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;

4) Ўзбекистон салтанати ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш;

5) Ўзбекистон салтанати қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш;

6) Ўзбекистон салтанати таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларни Ўзбекистон салтанати таркибидан чиқарилиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

7) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;

8) Ўзбекистон салтанати Вазирлар Маҳкамасининг тақдимида биноан Ўзбекистоннинг салтанатининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш;

9) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

10) Ўзбекистон салтанатининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш;

11) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;

12) давлат мукофотлари, зодагонлик ва бошқа унвонларини таъсис этиш;

13) Ўзбекистон салтанати Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги декретлари ва фармонларини тасдиқлаш;

14) Ўзбекистон салтанатининг Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

15) Ўзбекистон салтанати Президентининг тақдимида асосан Ўзбекистон салтанати конституциявий судини сайлаш;

16) Ўзбекистон салтанати Президентининг тақдимида биноан Ўзбекистон салтанати Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш;

17) Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;

18) Ўзбекистон салтанати Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;

19) Ўзбекистон салтанати Президентининг Ўзбекистон салтанатига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;

20) Ўзбекистон салтанати Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

21) халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш;

22) парламент назоратини ва ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатида кўриб чиқилади.

#### **84-модда.**

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси Сенатининг мутлоқ ваколатларига:

- 1) Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ва унинг ўринбосарларини, кўмиталарнинг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;
- 2) Ўзбекистон салтанати Давлат ҳавфсизлиги хизмати, Тергов кўмитаси, Марказий банк бошқаруви ва Ҳисобот палатаси раисларининг ҳисоботларини эшитиш;
- 3) ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- 4) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

#### **85-модда.**

Ўзбекистон салтанатининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мутлоқ ваколатларига:

- 1) Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини, кўмиталарнинг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;
- 2) Ўзбекистон салтанатининг Адлия вазири ҳам бўлган Бош прокурорининг тақдимида биноан Ўзбекистон Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;
- 3) ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- 4) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

#### **86-модда.**

Ваколат муддати тугагач, Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатаси тегишлича янги чақриқ Сенати ва Қонунчилик палатаси ўз ишларини бошлагонларига қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг биринчи мажлислари тегишлича Сенат таркиб топганидан кейин бир ойдан кечиктирмай ва Қонунчилик палатасига сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг мажлислари доимий равишда ўтказилади.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлислари сессиялар даврида ўтказилади. Сессиялар, қоида тариқасида, сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июнь ойи охиригача иш кунига қадар ўтказилади.

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси палаталарининг мажлислари, агар улар ишида барча сенаторлар ва депутатлар умумий сонининг камида ярми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Конституциявий қонунларни қабул қилишда барча сенаторлар ва депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт.

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатаси мажлисларида, шунингдек уларнинг органлари мажлисларида Ўзбекистон салтанати Президенти, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Ўзбекистон Конституциявий суди, Олий суди ва Судьялар олий кенгаши раислари, Адли вазири ҳам бўлган Бош прокурор, Марказий банк Бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин.

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси унинг органлари мажлисларида Сенат Раиси, Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Сенати ва унинг органлари мажлисларида Қонунчилик палатаси Спикери иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатаси алоҳида-алоҳида мажлис ўтказадилар.

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлислари Ўзбекистон салтанати Президенти қасамёд қилганида, Ўзбекистон салтанати Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганида, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганида

Академик Р.Абдуллаевнинг «Ўзбекистонни Республикасини Ўзбекистон салтанатига айлантиришни таклиф қиламан» деган мақоласига Иловалар ўтказилади. Палаталарнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

#### **87-модда.**

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатаси ўз ваколатларига киритилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг қарорлари Сенат аъзолари ёки Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, ушбу Конституцияда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **88-модда.**

Қонунчилик ташаббусчиси ҳуқуқига Ўзбекистон салтанати Президенти, Сенаторлар, Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, Ўзбекистон салтанати Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон салтанати Конституциявий суди ва Олий суди, Адлия вазири ҳам бўлган Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббусчиси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

#### **89-модда.**

Қонун Ўзбекистон салтанати Олий мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, унинг Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон салтанати Президенти томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилинган, юридик кучга эга бўлади.

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Сенати маъқуллаган қонун имзолаш ва матбуотда эълон қилиш учун Ўзбекистон салтанати Президентига ўн кун ичида юборилади.

Ўзбекистон салтанатининг Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Агар Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзолаш ва эълон қилиш учун Ўзбекистон салтанати Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилади.

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда кўриб чиқилиши керак.

Ўзбекистон салтанатининг Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли.

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда тегишлича Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

Қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

#### **90-модда.**

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Сенати ўз таркибидан Сенат Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлайди. Сенат Раиси Ўзбекистон салтанати Президентнинг тақдимига биноан сайланади.

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ва унинг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Сенат ваколати муддатига сайланади.

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси Сенатининг Раиси яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Сенат қарорларига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси Сенатининг Раиси:

- 1) Сенат мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;
- 2) Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;
- 3) Сенат қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;
- 4) Ўзбекистон салтанати қонунларининг ва Сенат қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;
- 5) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Сенат гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;
- 6) Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Сенат номидан иш кўради;
- 7) Сенат қарорларини имзолайди;
- 8) ушбу Конституция ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси Сенатининг Раиси фармойишлар чиқаради.

#### **91-модда.**

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўз таркибидан Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлайди.

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколати муддатига сайланади.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери яширин овоз бериш орқали Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарорига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери:

- 1) Қонунчилик палатасининг мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;
- 2) Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;
- 3) Қонунчилик палатаси қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;
- 4) Ўзбекистон салтанати қонунларининг ва Қонунчилик палатаси қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;
- 5) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Қонунчилик палатаси гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;
- 6) Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Сенати, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва ўзга ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Қонунчилик палатаси номидан иш кўради;
- 7) Қонунчилик палатаси қарорларини имзолайди;
- 8) ушбу Конституция ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери фармойишлар чиқаради.

#### **92-модда.**

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Сенати унинг муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон қонунлари ҳамда Сенат томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига сенаторлар аъзо бўлган қўмиталарни сайлайди.

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон қонунлари ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари аъзо бўлган қўмиталарни сайлайди.

Ўзбекистон Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, зарурат бўлган тақдирда, муайян вазифаларни бажариш учун депутатлар, сенаторлар орасидан комиссиялар тузади.

### **93-модда.**

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Сенати аъзоларига ва Қонунчилик палатаси депутатларига уларнинг сенаторлик ёки депутатлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда қопланади.

Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенатда доимий асосда ишловчи Сенат аъзолари ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар. Улар тегишинча Қонунчилик палатаси ёки Сенатнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас.

## **XVIII боб. Ўзбекистон салтанатининг Вазирлар Маҳкамаси**

### **94-модда.**

Ўзбекистон салтанатининг Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон салтанати Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон салтанатининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат.

Вазирлар Маҳкамаси:

1) самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсати юритилиши, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлашни ҳамда иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши учун жавобгар бўлади;

2) фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

3) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, уларнинг фаолияти устидан қонунда белгиланган тартибда назоратни таъминлайди;

4) Ўзбекистон салтанати қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон салтанати Президентининг декретлари, фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди;

5) Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади;

6) ушбу Конституция ва Ўзбекистон салтанатининг қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси конституциявий нормалар доирасида ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистоннинг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси ва Ўзбекистон салтанатининг Президенти олдида жавобгардир.

Амалдаги Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади, бироқ Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби шакллантирилгунга қадар Президентнинг қарорига мувофиқ ўз фаолиятини давом эттириб туради.

Ўзбекистон салтанатининг Бош вазири:

1) Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади;

2) Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди;

3) халқаро муносабатларда Ўзбекистон салтанатининг Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради;

4) Ўзбекистон салтанатининг қонунларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.



Ўзбекистон салтанатининг Бош вазири номзоди Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон салтанатининг Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни ҳар томонлама ўрганиб чиққач, агар бу номзод унга мақул тушган бўлса, ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади. Акс ҳолда Бош вазир лавозимига янги номзод таклиф қилинишини талаб қилади.

Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқиладиганда ва тасдиқланадиганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишinchа Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон салтанати Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазирнинг Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган тақдимига биноан Ўзбекистон салтанатининг Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон салтанатининг Бош вазири ва Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон салтанатининг Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон салтанатининг Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилиши мумкин.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон салтанатининг Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон салтанати Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон салтанатининг Президенти томонидан Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон салтанатининг Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Олий Мажлисини тарқатиб юборади.

Ўзбекистон салтанати Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

## **ХІХ боб. Ўзбекистон салтанатининг маъмурий-ҳудудий тузилиши**

### **95-модда.**

Ўзбекистон салтанати вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардан иборат.

### **96-модда.**

Вилоятлар, Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади.

## **ХХ боб. Ўзбекистон салтанатида маҳаллий давлат ҳокимиятининг асослари**

### **97-модда.**

Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари маҳаллий ҳокимиятларнинг



Академик Р.Абдуллаевнинг «Ўзбекистонни Республикасини Ўзбекистон салтанатига айлантиришни таклиф қиламан» деган мақоласига Иловалар вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

**98-модда.** Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради:  
қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;  
ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;  
маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;  
маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;  
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;  
фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;  
норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон салтанатининг Конституцияси ва қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

**99-модда.**

Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон салтанатининг қонунларини, Ўзбекистон салтанатининг Президенти декретларини, фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, давлат ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

Юқори органларнинг ўзларига берилган ваколатлар доирасида қабул қилган қарорлари қуйи органлар ижро этиши учун мажбурийдир.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат муддати — 5 йил.

**100-модда.**

Ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон салтанатининг Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари вилоят, Тошкент шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туманларга бўйсунадиган шаҳарларнинг ҳокимлари туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

**101-модда.**

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яккабошчилик асосларида амалга оширадилар ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардирлар.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этади, улар бўйича халқ депутатлари Кенгаши томонидан тегишли қарорлар қабул қилинади.

Ҳокимларнинг ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ваколат доирасини ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини сайлаш тартиби қонун билан белгиланади.

**102-модда.**

Ҳоким ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек мансабдор шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади.

Ҳоким иқтисодиётнинг ҳусусий сектори корхоналари ва тадбиркорлари бажариши шарт бўлган қарорлар қабул қилишга ҳақли эмас. Бундай қарорларни вабул қилиш қонун билан тақиб қилинади.

**103-модда.**

Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар раисни (оқсоқолни) сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади.

## XXI боб. Ўзбекистон салтанатида суд ҳокимияти

### 104-модда.

Ўзбекистон салтанатида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

### 105-модда.

Ўзбекистон салтанатида суд тизими Ўзбекистон салтанатининг Конституциявий суди, Ўзбекистон салтанатининг Олий суди, Ўзбекистон салтанатининг ҳарбий суди, ҳарбий судлар, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий ва маъмурий судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари ва туман, шаҳар маъмурий судларидан иборат.

Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

### 106-модда.

Ўзбекистон салтанатининг Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўради.

Ўзбекистон салтанатининг Конституциявий суди Ўзбекистон салтанати Президентининг тақдимидаги биноан Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Судьялар олий кенгаши тавсия этган сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислари орасидан сайланади.

Ўзбекистон Конституциявий суди Ўзбекистон салтанатининг Президенти тақдимидаги биноан ўз таркибидан Ўзбекистон салтанати Конституциявий судининг раисини ва унинг ўринбосарини сайлайди.

### 107-модда.

Ўзбекистон салтанатининг Конституциявий суди:

1) Ўзбекистон салтанати қонунларининг ва Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон салтанати Президенти, декретлари, фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳуқуқат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон салтанати Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди;

2) Ўзбекистон салтанати Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон салтанати конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон салтанати қонунларининг Ўзбекистон салтанатининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди;

4) Ўзбекистон салтанати Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради;

5) Ўзбекистон салтанати Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон салтанатининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатларни кўриб чиқади;

6) конституциявий судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Ўзбекистон салтанатининг Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон салтанати Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади;

7) Ўзбекистон салтанатининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколати доирасида бошқа ишларни кўриб чиқади.

Конституциявий суднинг ҳужжати расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Конституциявий суднинг ҳужжати қатъий ва унинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон салтанати Президенти, Олий Мажлис Сенатининг раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Олий судининг раиси, Олий хўжалик судининг раиси, Адлия вазири ва Тергов қўмитасининг раиси Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга. Масала Конституциявий суднинг судьялари ташаббуси билан ҳам киритилиши мумкин.

Фуқоролар Конституциявий судга ариза, таклиф, ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолияти тартиби қонун билан белгиланади.

**108-модда.**

Ўзбекистон салтанатининг Олий суди фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистоннинг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир.

Ўзбекистон салтанатининг Олий суди қуйи судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

**109-модда.**

Президент Ўзбекистон салтанати Судьялар олий кенгашини бошқаради. Президент Ўзбекистон салтанати Судьялар олий кенгашининг тавсиясига асосан ўзининг Фармонлари билан Ўзбекистон салтанати Олий суди ва Ҳарбий судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раиси ва раис ўринбосарларини ҳамда шу судларнинг аъзоларини тайинлайди ва вазифаларидан озод қилади.

Президент ушбу Конституциянинг 70 моддаси учинчи қисмига асосан берилган шикоятлар бўйича қарорлар лойиҳасини тайёрлашни Ўзбекистон салтанатининг Судьялар олий кенгаши зиммасига юклаш; агар бу шикоятлардаги фактлар тасдиқланган ҳолларда, бу орган томонидан мана шу шикоятлар юзасидан тайёрланаётган қарорлар лойиҳасида, бундай суд қарорларини бекор қилиш ва улар асосида қамалган фуқороларни тўлиқ реабилитация қилиниши кўзда тутилишини талаб қилиш ва бундай суд ҳукмларини бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон салтанати Судьялар олий кенгашини ташкил этиш ва унинг фаолияти тартиби қонун билан белгиланади.

**110-модда.**

Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьялар ва ҳакамлар ҳайъатининг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Судьялар сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин эмас.

Судья ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин.

**111-модда.**

Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

**112-модда.**

Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

**113-модда.**

Ўзбекистонда суд ишларини юритиш ўзбек тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

**114-модда.**

Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади.

Айбланувчи тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади.

**115-модда.**

Фуқоролар қонунларга асосан адолатли судловни амалга ошириш учун ҳакамлар ҳайъати (суд присяжных) институтида иштрок этишлари мумкин.

Ҳар бир жиноят иши бўйича иш юритиш албатта ҳакамлар ҳайъати иштрокида амалга оширилади.

## **XXII боб. Ўзбекистон салтанатида сайлов тизими**

### **116-модда.**

Ўзбекистон салтанати фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишлича уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — октябр ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистоннинг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон фуқароси бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон салтанатининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни, шунингдек Ўзбекистон референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон салтанатининг Марказий сайлов комиссияси тузилади.

Ўзбекистон салтанатининг Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон салтанати Конституциясига, Ўзбекистон салтанатининг сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларига ва бошқа қонунларга амал қилади.

Ўзбекистон салтанати Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси томонидан сайланади.

Ўзбекистон салтанати Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон салтанати Президентининг тақдимида асосан комиссия мажлисида сайланади.

Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

## **XXIII боб. Ўзбекистон салтанатида адлия органлари, прокуратура ва адвокатура**

### **117-модда.**

Юстиция органларининг яхлит марказлашган тизимини Ўзбекистон салтанатининг Бош прокурори мақомига ҳам эга бўлган Адлия вазири бошқаради. Шу билан бир қаторда Бош прокурор, вилоят, шаҳар ва туман прокурорлари ваколатларидан дастлабки терговга процессул жиҳатдан раҳбарлик қилиш ҳуқуқи эга эмас

Таркибий бўлинмалар ва Адлия вазирлигининг Прокурорлар бош бошқармаси, вилоят, шаҳар ва туман адлия органларининг ва Прокурорлар бош бошқармаси ҳамда унинг бўлинмалари раҳбарларини Адлия вазири тайинлайди.

### **118-модда.**

Ўзбекистон салтанати ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон салтанатининг Адлия вазири ҳам бўлган Бош прокурори ва унга бўйсунувчи Прокурорлар бош бошқармаси амалга оширади.

Прокурорлар ўз ваколатлари амалда бўлган даврда сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар.

Прокурорларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

#### **119-модда.**

Адвокатура — ҳуқуқий институт бўлиб, у давлат ҳисобидан адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кўнгилли ва касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Адвокатура Ўзбекистон салтанати Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон салтанати фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади.

Суд жараёнида адвокат ва прокурор тенг ҳуқуқли бўлади ҳамда судьялар билан бир ҳил либос кияди.

Адвокатуранинг иш фаолиятини ташкил қилиш ва тартиби қонунда белгиланади.

#### **120-модда.**

Ўзбекистон ҳудудида жиноятчиликка қарши курашда тезкор-қидирув ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда амалга оширувчи хусусий ва жамоатчилик бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тақиқланмайди.

### **XXIV боб. Ўзбекистон салтанатида молия ва кредит**

#### **121-модда.**

Ўзбекистон салтанати ўз молия ва пул-кредит тизимига эга.

Ўзбекистон салтанатининг Давлат бюджети давлат бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат.

#### **122-модда.**

Ўзбекистон салтанати ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон салтанати Олий Мажлиси ҳақли.

#### **123-модда.**

Ўзбекистон салтанати банк тизимини Марказий банк бошқаради.

### **XXV боб. Ўзбекистон салтанатида мудофаа ва хавфсизлик**

#### **124-модда.**

Ўзбекистон салтанати Қуролли Кучлари Ўзбекистон салтанати давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади. Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади.

#### **125-модда.**

Ўзбекистон салтанати ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада қуролли кучларига эга.

## **БЕШИНЧИ БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ**

#### **127-модда.**

Ўзбекистон салтанатининг Конституциясига ўзгартиришлар тегишлича Ўзбекистон салтанати Олий Мажлисининг Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон салтанатида ўтказилган референдум асосида киритилиши мумкин.

#### **128-модда.**

Ўзбекистон салтанатининг Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилганидан кейин уч ой мобайнида Конституцияга ўзгартиришлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисида кенг ва ҳар тарафлама қилинган муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин. Агар Олий Мажлис Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф 6 ой ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин.